

Сув омборларидан фойдаланишнинг асосий шартлари

Маъruzачи:

т.ф.н. Ф. Гаппаров

РЕЖА

- Сув омборларидан фойдаланишнинг асосий шартлари.
- Сув омборлари эксплуатация хизмати ва ташкил этилиши.
- Эксплуатациянишнинг вазифалари, ташкилий тизими.
- Сув омборларидан фойдаланиш бўлими мутахассисларининг ваколат ва вазифалари.
- Иншоотлар муҳофазаси.
- Сув омборларини эксплуатация қилишда хаёт фаолияти ҳавфсизлиги.

СУВ ОМБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- ❖ Сув омборларидан фойдаланиш хизматини ташкил этиш ва структураси;
- ❖ Сув омборлари иншоотларидан фойдаланиш;
- ❖ Сув омборини тўлдириш ва бўшатишни амалга ошириш;
- ❖ Сув омбори ҳавзасида олиб бориладиган кузатувлар, уларнинг таркиби ва муддатлари.

Сув омборлари саноат ва қишлоқ хұжалигини ривожлантиришда муҳим ўрин әгаллаб, асосан суғориладиган деңқончилик олиб бориладиган бизнинг минтақада вегетация даврида учраб тураладиган сув танқислигини бартараф этиб, гидромелиоратив тармоққа бир маромда сув етказиб бериш муаммосини ҳал этади



Сув омборлари
хавфсизлигини
таъминлаш, иншоотларни
ишчи ҳолатда сақлаш ва
содир бўлиши мумкин
бўлган авария
ҳолатларини олдини олиш

Захирадаги сувдан
самарали фойдаланиб,
истеъмолчини сув билан
таъминлаш

СУВ ОМБОРИЛАРИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ХИЗМАТИ

Сув омборларининг эксплуатация хизмати ўз ишини Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг ҳавфсизлиги тўғирисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги ҳамда сув хўжалиги юқори ташкилотларининг буйруқ ва кўрсатмалари, сув хўжалиги ташкилотларининг низомлари, меъёрий ҳужжатлари, назоратчи ташкилотларнинг буйруқ ва кўрсатмалари, шунингдек Республиканинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ сув хўжалигига тааллуқли ҳужжатлар асосида ташкил қиласи ҳамда уларга бўйсунади. Сув омборлари эксплуатацияси хизмати қуийдагилардан ташкил топган:

Маъмурий-хўжалик хизмати

Ишлаб чиқариш хизмати:
• диспетчерлик хизмати;
• эксплуатация участкалари;
• механизациялашган
таъмирлаш отрядлари.

Эксплуатация хизматининг вазифалари:

- сув омборида сув захирасини яратиш, барча истеъмолчиларни сув билан таъминлаш, тўлдириш ва бўшатиш бўйича эксплуатация режаларини бажариш;
- барча иншоотларни, алоқа воситалари, транспорт, яшаш ва ишлаб чиқариш бинолари ва жиҳозларнинг эксплуатациясини тегишли меъёрий хужжатларга мувофиқ тўғри ташкил этиш;
- иншоотларнинг ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш ҳамда уларни ишчи ҳолатида саклаш;
- сув омбори иншоотларининг ҳавфсизлиги мезонларини ўз вақтида аниқлашни таъминлаш;
- сув омбори авариясини тугатиш учун мўлжалланган моддий захираларни яратиш;
- сув омборидаги фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабар бериш маҳаллий тизимларини доимий шай ҳолатда саклаш;

- сув омбори авариясининг олдини олиш масалалари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти, фавқулодда вазиятлар органлари билан ҳамкорлик қилиш;
- сув омбори иншоотларини қўриқлаш, техника ва ёнгин ҳавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;
- сув омбори эксплуатацияси бўйича ҳар йилги ҳисоботларни тузган ҳолда техник хужжатларни олиб бориш;
- техник эксплуатацияни яхшилаш ва такомиллаштириш;
- фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибаларни тадбиқ этиш;
- ҳудудни ободонлаштириш ва мейморий безаш;
- муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш.

Ташкилий тизим (структуря)


Сув омборлари “Сув омборидан фойдаланиш бошқармаси” сифатида эксплуатация қилинади ва бошқаришнинг таркибий кўриниши қўйидагича амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги

“Ўзсувтъмирфойдаланиш”
Республика бирлашмаси, Ирригация
Тизимлари Ҳавза Бошқармалари

Сув омборларидан фойдаланиш
бошқармаси

Сув омборининг ташкилий схемаси унинг тасарруфига кирувчи иншоотлар таркиби асосида тузилади



Сув омборидан фойдаланиш бошқармасининг
ходимлар штати

Сув омбори эксплуатация хизмати штат таркиби ва
хизматчилар сони эксплуатация ишлари ҳажми,
эксплуатация хизматининг тузилиши ва иншоотлар
тоифасига боғлиқ равишда белгиланади

Сув омборидан фойдаланиш
бошқармасининг ходимлар штати
Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги томонидан тасдиқланади

Сув омборларидан фойдаланиш
бошқармаси

Сув омборидан фойдаланиш бошқармаси мутахассисларининг ваколат ва вазифалари

- ***Сув омбори бошлиги (Бошқарма бошлиги)***
- Сув омборидан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи бошқарманинг барча ишлаб чиқариш фаолиятини ташкиллаштиради ва унга раҳбарлик қилади, қонунда белгиланган тартибда тегишли молия маблағлари ва давлат мулкини бошқаради. Ўз фаолиятида давлатнинг амалдаги қонунлари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа юқори сув хўжалиги ташкилотларининг қарор, буйруқ ва кўрсатмаларига ҳамда иншоотлардан фойдаланиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларга амал қилади.
- Сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи унга юклатилган мажбурият ва ваколатларидан келиб чиқадиган вазифаларини бажариши шарт ва буни фақат юқори ташкилот тўхтатиб қўйиши ёки бекор қилиши мумкин.

Иншоотлар муҳофазаси

- Сув омбори таркибига кирувчи барча иншоотлар давлат мулки ҳисобланиб, улар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳимоясидадир.
- Иншоотларни ишли ҳолатида саклаш ва қўриқлашга сув омбори бошлиғи масъулдир.
- Тўғон ва барча иншоотларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш қўриқлаш хизматида бўлиб, сув омборининг ҳавфсизлик масалаларини сув омбори бошлиғига бўйсунган ҳолда амалга оширади ва ўз низомлари асосида хизмат қиласди.
- Сув омбори барча иншоотларининг муҳофазасини таъминлаш қўриқлаш хизмати бошқармаси зиммасида бўлади. Сув омборини барча иншоотларининг муҳофазасини таъминлаш учун кетадиган молиявий сарф харажатлар шартнома асосида олиб борилади.

Эътиборларингиз учун
раҳмат !!!